**O'zbekiston Respublikasi**
**Samarqand viloyati**
**Kattaqo`rg`on shahar**
**HOKIMI**
**QARORI**

**РЕШЕНИЕ**
**ХОКИМА**
**города Каттакурган**
**Самаркандской области**
**Республики Узбекистан**

O'zbekiston Respublikasi, Samarqand viloyati, Kattaqo`rg`on shahri, Amir Temur ko`chasi, 4 uy. tel.: (86-25-13 faks.: (836645) 6-10-01

**2016 у.г. «12» май** **№ 131/8** **Kattaqo`rg`on sh. – г. Каттакурган**

## "Болалар мини-футбол ва волейбол майдончаларини куришга рухсат бериш тўғрисида"

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 22 мартдаги 01-07/1-113-сон билан тасдиқланган болалар спорт майдончалари қурилиши ҳақидаги баённомасини, Каттакўргон шаҳар Ингичка кўргони Хамид Олимжон кўчаси 40 уйда яшовчи фуқаро Уралова Ойдиннинг шаҳар ҳокими номига ёзган аризасини, 2016 йил 4 январ № 28-сонли Давлат экология хулосасини, шаҳар ҳокимлиги хузурида ташкил этилган комиссия аъзолари далолатномасини ва барча тўпланган ҳужжатларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Ер ва Шаҳарсозлик кодексларига асосан

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Каттакўргон шаҳар ҳокимлиги хузурида ташкил этилган комиссия аъзолари томонидан тузилган далолатномаси тасдиқлансин.

2. Каттакўргон шаҳар Ингичка кўргони Хамид Олимжон кўчаси 40 уйда яшовчи фуқаро Уралова Ойдинга Абдулла Қаххор кўчасида фойдаланилмай турган 1400 кв.метр ер майдонида сунъий қопламали мини-футбол ва волейбол майдончалари куриш ва атрофини ободонлаштириш ишларини амалга оширишга рухсат берилсин.

3. Болалар спорт майдончалари қуришни бугунги кун архитектура ва қурилиш меъёрлари талабларига риоя қилиб, шаҳар архитектура ва қурилиш бўлими билан келишилган лойиҳа асосида амалга ошириш Уралова Ойдин зиммасига юклатилсин.

4. Ерни натура тарзида жойида ўлчаб бериш шаҳар Архитектура ва қурилиш бўлими бошлиги (О.Розиқов) зиммасига юклатилсин.

5. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш шаҳар хокимининг ўринбосари И.Маматов зиммасига юклатилсин.

**Шаҳар ҳокими** **Ш.Ж.Рахмонов**